

“Ziraat Bank Uzbekistan” АЖ банки тизимида (бош банк ва барча филиал) жисмоний ва юридик шахсларнинг банкка оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда қилган мурожаатлари (ариза, таклиф, шикоят), ташкил этилган “Ишонч телефони” (+78) 150-43-31, “Call-марказ” (+78) 147-67-67 маҳсус линияси, веб-сайтнинг “Банк раисининг виртуал қабулхонаси”, info@ziraatbank.uz электрон почта манзили ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, ҳамда ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушадиган мурожаатларини қабул қиласди, расмийлаштиради ва кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар банкка аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Мурожаатлар оғзаки ёки ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда уларни:

- жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа холатларига караб камситиш;
- мурожаатларни кўриб чиқиша жисмоний шахсларнинг шахсий хаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат, тижорат ва банк сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборот банк ҳодимлари томонидан ошкор этилиши;
- жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш қонун хужжатларига асосан ман этилади.

Мурожаатларга қўйиладиган талаблар

Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган булиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва мурожаатнинг моҳияти баён этилган булиши керак.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган булиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) хам қўшимча равиша ёзиб қўйилиши керак.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон хужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон хужжат шаклида булиши керак. Электрон мурожаат қонунда белгиланган талабларга мувофиқ булиши керак.

Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар хақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб хисобланади. Мурожаат этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

“Call-марказ” маҳсус линияси ва “Ишонч телефони”га қилинадиган мурожаатлар иш кунларида соат 9-00 дан 18-00 га қадар қабул қилиниши мумкин.

“Call-марказ” маҳсус линияси ва “Ишонч телефони” орқали мурожаат қилишда мурожаат қилувчи ўзининг фамилияси, исми, отасининг исменин, яшаш жойи (юридик шахс номидан мурожаат қилганда, юридик шахснинг номи ва манзили) тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек агар у тадбиркорлик субъекти бўлса, тадбиркорлик субъектининг номи, хизмат кўрсатувчи филиали, жавоб юборилиши керак бўлган почта манзилини (мурожаатчининг истаги бўлган ҳолларда кайта боғланиш учун телефон рақамини) маълум қилиши ҳамда мурожаатнинг моҳияти ва мазмунини баён қилиши шарт.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган банкка келиб тушган кундан эътиборан ун беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча хужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда (“Ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаат бундан мустасно) кўриб чиқилиб ҳал этилади.

Мурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар банкка келиб тушган кундан бошлаб хисобланади. Агар тегишли муддатнинг охирги куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун хисобланади.

Қўйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

- аноним мурожаатлар;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.